

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**2**  

---

**2021**

**Тошкент**

---

# Иқтисодиёт ва таълим

2021  
йил  
2-сон

Usmanov M.A.	The main features and state of the construction industry as the most important component of the development of the country's economy..... 120
Мухтаров М.М. Сапаев Д.Х., Хайтова Н.И.	Корхоналари иқтисодий самарадорлиги ва уни баҳолаш мезонлари..... 123 Тенденции развития виноградарства и виноделия в Республике Узбекистан..... 128
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ</b>	
Абдухалирова Л.Т., Самадов А.Н. Акрамов Т.А., Махмудов Т.О. Муминова Н.М.	Мамлакат таълим соҳасида маркетингни ривожлантириш йўналишлари.... 131 Модалар бозорида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш..... 135 Тўқимачилик маҳсулотлари экспортида маркетингнинг халқаро жиҳатлари..... 141
Ибодов К.М.	Самарқанд вилояти ресторон хизматлари соҳаси рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияси..... 147
Турсунова З.М.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида инновацион маркетинг ва уни кўллашнинг ўзига хос жиҳатлари..... 154
<b>ДЕМОГРАФИЯ, МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ДЕМОГРАФИЯ, ЭКОНОМИКА ТРУДА</b>	
Толипова Д.Н., Бобонарова К.У. Исройлова Д.К.	Анализ динамики производительности труда..... 159
Гулмуродов К.А.	Меҳнат миграциясини тартибга солишининг ҳорижий амалиёти таҳдили..... 163
Қорабоев Н.П.	Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясининг меҳнат бозорига таъсирини баҳолаш..... 169 Ўзбекистон меҳнат бозорида расмий ва норасмий секторларнинг мувозанатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар..... 173
<b>СУФУРТА ИШИ СТРАХОВАЯ РАБОТА</b>	
Адилова Г.Д.	Пандемия шароитида суфурта хизматлари бозорини рақамлаштиришнинг истиқболлари..... 179
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА</b>	
Юлдашева И.З.	Кластер тизимини такомиллаштиришда сув истеъмолчилари уюшмаларининг ўрни..... 183
Ташматов Р.Х.	Худудларда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва рақамлаштириш йўналишлари..... 186
Умарходжаева А.М.	Развитие агрокластеров: цифровизация и стратегии..... 193
<b>ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ СФЕРА УСЛУГ</b>	
Dadajonova M.M.	Xizmatlar sohasida turistik mahsulotlar taklifini mavsumiylashtirish orqali marketing instrumentlaridan samarali foydalanish..... 197
<b>ТАЪЛИМ ОБРАЗОВАНИЕ</b>	
Садикова Ф.Р. Салихов Н.Д.	Таълим тарбия ва иқтисодиётни уйғунлаштириш жиҳатлари..... 202 Мактабгача таълим сифатини оширишда менежментнинг иқтисодий усусларини кўллаш..... 206
<b>РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ</b>	
Alieva M.T., Xamidova M.A. Равшанов Т.Г. Хамидов О.Х., Хамидов С.К., Юлдашев Ф.И.	Yangi O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishda mehmonxona xizmatlarining ahamiyati..... 213 Дунё бозорида "Ҳалол" туризмнинг ривожланиш хусусиятлари..... 215 Ўзбекистонда туристик худудларни ривожлантириш ва кластерлар фаолиятини кенгайтириш..... 219
Мамаджанов А.А. Nurfayzieva M.Z.	Ўзбекистонда туризм соҳасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими..... 225 COVID 19 pandemiyasining turizm iqtisodiyotiga ta'siri muammolari tahlili va ularni bartaraf etish yo'llari..... 231 “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали рунлари..... 235

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТНИНГ  
ИҚТСОДИЙ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

**Салихов Нодир Джамалович -  
Бухду таянч докторанти**

**Аннотация:** Мақолада мактабгача таълим тизимининг бошқарувининг шаклланиши, мактабгача таълим тизимини бошқарувида иқтисодий усулларнинг аҳамияти, даврлар бўйича бошланғич таълим тизими бошқарувидаги ўзгаришлар, мустақиллик даврида мактабгача таълим бошқарувидаги ўзгаришлар баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** мактабгача таълим, мактабгача таълим ташкилоти, таълим менежменти, мактабгача таълим тизими, менежмент иқтисодий усуллари.

**Аннотация:** В статье описывается формирование управления системой дошкольного образования, значение экономических методов в управлении системой дошкольного образования, изменения в управлении системой начального образования по периодам, изменения в управлении дошкольным образованием в период независимости.

**Ключевые слова:** дошкольное образование, организация дошкольного образования, управление образованием, система дошкольного образования.

**Abstract:** The article describes the formation of the management of the preschool education system, the importance of economic methods in the management of the preschool education system, changes in the management of the primary education system by periods, changes in the management of preschool education during independence.

**Keywords:** Preschool education, preschool education organization, education management, preschool education system, economic methods of management.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ва тарбияга қадим замонлардан катта эътибор берилган. 1991 йил мамлакатнинг мустақилликка эришган сўнг, мактабгача таълим тизимини бошқариш таъмйиллари ва усуллари такомиллашиб борди. Мактабгача таълим тизимини бошқарув маъмурий-буйруқбозлиқ усуллари ўрнига иқтисодий усуллар жорий қилина борди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мактабгача таълим тизимиға киравчи муасасалар ва улар фаолияти билан боғлиқ ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг таркибиға кириб, вазирлик мактабгача ва ўрта таълим учун масъул эканлигидан, ҳукуматимиз томонидан мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ишларининг сўнгги поғонагача етиб бориши мураккаб жараён бўлиши кузатилди. Мактабгача таълимга эътиборнинг камайиши, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мактабгача таълим соҳасининг қуи бўғинигача етиб бормаслиги мактабгача таълим ёшидаги болаларни таълим муассасаларига қамраб олиниши даражасининг кескин пасайиб кетиши ва таълим муассасаларида таълим сифати, болалар тарбияси ва соғлигига эътиборнинг камлиги кузатилди.

Мустақиллик даврида таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлса-да, сўнгги йилларда давлат мактабгача таълим муассасалари кескин қисқарди, мавжудлари-

нинг моддий-техника базаси замонавий табларга жавоб бермаслиги, мамлакат бўйича болаларнинг мактабгача таълимга қамраб олиниши 30,0 фоизни ташкил қилиши ачинарли ҳолат эди.

Бироқ, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг мактабгача таълимга юқори эътиборлари 2016 йилнинг сўнгги чорагидан бугунги кунга қадар соҳада туб бурилиш бўлганлиги, мактабгача таълимга ёш авлодни қамров даражасининг ортиши, таълимда сифатнинг яхшиланишида кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида мактабгача таълимни устувор масала сифатида белгилаб, тизимнинг ҳозирги ҳолати бўйича қўйидагиларни билдирилар: “Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди.

Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўси, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди” [4, 2-б.]. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни баркамол инсон даражасида шакллантириш учун инсоннинг туғилган вақтидан бошлаб, сифатли таълим ва тарбия бериш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан, бу жараёнда мактабгача таълим ва тарбиянинг аҳамияти юқорилиги ҳамда мактабгача таълим тизимини смарали бошқариш тўғрисидаги тадқиқот иш-

лари долзарблигини асослайди.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Мактабгача таълим сифатини ошириш мавзусида кўплаб олимлар, жумладан Л.В. Баева[7], С.С. Белых [8], Н.Е. Веракса, Т.С. Комарова [9], В.Г. Гамаюнов, Шемяков А.Д. [10], Е.Г. Григорьева [11], Р.Х. Джураев, С.Т. Турғунов [12], Н.М. Квасникова [13], С. А. Михеева [14], Е.А. Омельченко, А.Ю. Зверкова, Г.С. Чеснокова [15], П.А. Петряков [16], О.С. Сафаров [17,18], Т.М. Семина [19], О. С. Смолин [20], Л.И. Фалюшина [21], И.Ф. Фильченкова [22], Ш. Шодмонова [23] каби хорижлик ва ватанимиздаги олимлар тадқиқот олиб борган бўлишса-да, таълимнинг дастлабки босқичи ҳисобланган мактабгача таълимни бошқаришнинг иқтисодий воситалари мукаммал кўрсатиб берилмаган. Бу эса мактабгача таълим сифатини оширишда бошқарув иқтисодий усуслари бўйича тадқиқот иши долзарблигини асослайди.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эконометрик моделлаш, мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилган бўлиб, назарий ва методологик асоси мактабгача таълим тизими ривожланишига оид Республикада ишлаб чиқилган умумий стратегия, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мактабгача таълим ва тарбияга доир қабул қилган фармонлари ҳамда тадқиқот мавзусига оид илмий-методологик адабиётлар бўлиб ҳисобланади.

Ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ш.М. Мирзиёев Президентликларининг илк даврларидан мактабгача таълим тизими катта эътибор беришлари натижасида, мактабгача таълим тизими бошқарувида ижобий ўзгаришлар бўлишини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрда “2017-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707 сонли Қарори мактабгача таълим ва тарбиянинг беш йил оралиғида ислоҳ қилиш, таълим сифатини ошириш ва ҳукумат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар муддати ҳамда масъул ташкилотлар батафсил баён қилинган. Мактабгача таълим тизимига етарли эътибор бериш ҳамда тизим ташкилотларида ислоҳотларни юқори даражада жорий қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Прези-

дентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305 сонли Қарори асосида мактабгача таълимга масъул алоҳида давват органи Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил қилинди.

Мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва тақомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотларини давлат томонидан бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида, сўнгги вақтларда қабул қилинган қатъий чора-тадбирлар натижасида, вазирлик ва унинг жойлардаги худудий бўлинмалари ташкил қилиниб, таълимнинг дастлабки бўғинида ижобий сифат ўзгаришлари кўзга ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарорида мамлакатда мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ҳамда бажариладиган чора-тадбирлар “Йўл харитаси” кўрсатиб берилган бўлиб, соҳани бошқариш учун бажариладиган ишлар тартиби, муддати ва масъул ташкилотлар аниқ кўрсатилган.

Тизимда меҳнат қилаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришни тақомиллаштириш, янги давлат мактабгача таълим муассасалари қуриш, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларнинг мактабгача таълим тизимига янада кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим соҳасидаги давлат-хусусий шерикчилиги учун қуладай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилган ишлар ўз самарасини бера бошлади.

Биринчи навбатда, мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари сонининг кескин ошиб боришига эришилди. Сўнгги ўн йилликни икки даврга бўлиб таҳлил қилганимизда, мактабгача таълим ташкилотлари сонининг ўзгариши 2010-2016 йилларда кама-

## ТАЪЛИМ

ииш ва 2017-2020 йилларда кўпайиш ҳолатида бўлган. Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларининг энг кам миқдори 2016

йилда энг кам миқдорда 5 126 та бўлиб, сўнгги ўн йилликни 2016 йилга нисбатан ўрганилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

### **Мактабгача таълим муассасалари сони, бирлик**

Худудлар	2010-2016 йиллар			2016-2020 йиллар			Ўзгариш, 2020 йил 2010 йилга нисбатан, +,-
	2010	2016	Ўзгариш, 2016 йил 2010 йилга нисбатан, +,-	2016	2020	Ўзгариш, 2020 йил 2016 йилга нисбатан, +,-	
Қорақалпоғистон Республикаси	397	320	-77	320	466	146	69
Андижон	554	461	-93	461	657	196	103
Бухоро	425	344	-81	344	482	138	57
Жizzах	189	171	-18	171	217	46	28
Қашқадарё	387	332	-55	332	482	150	95
Навоий	189	129	-60	129	245	116	56
Наманган	612	468	-144	468	643	175	31
Самарқанд	659	565	-94	565	743	178	84
Сурхондарё	385	293	-92	293	412	119	27
Сирдарё	190	151	-39	151	186	35	-4
Тошкент	501	440	-61	440	569	129	68
Фарғона	865	678	-187	678	874	196	9
Хоразм	371	251	-120	251	360	109	-11
Тошкент ш.	515	523	8	523	632	109	117
Жами:	6239	5126	-1113	5126	6968	1842	729

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2010-2020 йилларда мамлакат давлат МТТлари миқдори 729 бирликка ошган бўлиб, бу ўзгаришнинг сабаби хукуматнинг 2017-2020 йилларда боғчалар қуриш ҳамда мактабгача таълим ва тарбия кўламини кенгайтиришга юқори эътибор қаратадиганлиги бўлиб ҳисобланади. 2010-2016 йиллар оралиғида мамлакат МТТлари сони 1 113 бирликка камайган ва 2016 йилга қараганда 2020 йилда мамлакат МТТлари сони 1 842 тага ошган.

2010-2016 йиллардаги МТТ соидаги камайиш Тошкент шаҳридан бошқа барча худудларда кузатилиб, Фарғона (-187 бирлик), Наманган (-144 бирлик) ва Хоразм (-120 бирлик) вилоятларида МТТлар сони кескин қисқарган.

2016-2020 йилларда мамлакат бўйича 1942 бирлик давлат МТТлари ташкил қилинган бўлиб, Андижон (196 бирлик) ва Фарғона (196 бирлик) нисбатан кўп давлат МТТлари ташкил қилинган ва бу кўрсаткич бўйича Жizzах (46 бирлик) ва Сирдарё (35 бирлик) орқада қолишмоқда.

2020 йилда ёш болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 55,0 фоиз бўлиб, тизимда қўлланиладиган тадбирлар натижасида 2021 йил охиригacha 65,0 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. Таққослаш учун айтиш жоизки, 2016 йилда ёш болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш дара-

жаси 33,0 фоиз эди ва ҳукуматимизнинг мактабгача таълим тизимига қаратилаётган чора-тадбирлари, бошқарувнинг иқтисодий усулларини жорий қилиниши натижасида 22,0 фоизга ошиб, 55,0 фоизга етди.

Кам таъминланган оиласалардаги мактабгача таълим ёшидаги 6-7 ёшли, келгусида 3-5 ёшли болаларни мактабгача таълим ташкилоти таъминоти учун ота-оналар тўловини давлат томонидан молиялаштириш ёш авлодни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини оширади.

Мактабгача тарбия билан қамраб олинган болаларга сифатли таълим ва тарбия бериш, уларни комил шахс сифатида шакллантириб боришишлари мактабгача таълимни бошқаришнинг маъмурий усулларга қараганда, иқтисодий усуллар билан тартибга солишишлари кенг амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги МТТлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, яхшилаб боришиш билан биргалиқда, педагог-ходимларининг билими, тажрибаси, меҳнат интизомини рафбатлантириб боришиш мактабгача таълим ва тарбия сифатини ошириб, мазмунан бойишига ижобий таъсир қилмоқда.

Ҳозирги вақтда мактабгача таълим ташкилотлари педагог-ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи “Давлат

## ТАЪЛИМ

мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 135-сонли Қарори билан тасдиқланган "Давлат

мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдорлари" амал қилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

### **Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдорлари**

Т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкаси миқдори (сўм)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълу- мотли	ўрта маҳсус (касб-хунар) маълумотли
3.	Олий маълумотли: тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гурухи тарбиячилари, тил ўқитувчилари, ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед, психологлар	2 095 874	1 975 627	1 850 054	1 727 603	x
4.	Мактабгача таълим ташкилоти ўқитувиси (3-банддагидан ташқари)	1 620 021	1 510 347	1 403 920	x	1 203 660
5.	Тарбиячи-методист, тарбиячи (олий маълумотли тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гурухи тарбиячиларидан ташқари)	1 510 347	1 403 920	1 301 738	1 203 660	1 111 444
6.	Мусиқа ходими, хореограф, барча ихтиноссликлар йўриқчилари	1 329 081	1 222 677	1 120 510	1 023 015	930 302

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағаси "Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 135-сонли қарори 1-ловаси маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жадвал 4-5 қаторларида кўрсатилган олий маълумотли ва ўрта маҳсус маълумотли тарбиячилар иш ҳақларидағи тафовут миқдори жуда кам бўлиб, бу тафовутни камида 500 минг сўмга етказиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, олий маълумотлиларнинг юқори тоифаларни эгаллашларини рағбатлантириш мақсадида, тоифасиз ҳамда тоифали ҳамда ҳар бир тоифадаги педагог-ходимлар иш ҳақлари ўртасидаги тафовутни камида 500 минг сўмга етказиш зарур бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги "Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 10-сонли Қарори билан тасдиқланган "Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низом З-боб 8-параграфида "Давлат мактабгача таълим муассасаларининг ўз хизмат вазифаларини вижданан бажарган, ташаббускор ва юқори малакали ходимларини моддий рағбатлантириш давлат мактабгача таълим муассасаларида ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади" деб белгилаб қўйилган. Бу эса муассасада вижданан, ҳалол, юқори

интизомда меҳнат қилаётган ходимларга кўрсатиладиган хурмат ва эътибор бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз МТТларида фаолият кўрсатаётган педагог-ходимларнинг маълумотлилик даражаси ва ёши бўйича таркибини ўрганиш, педагог-ходимлар маълумотлилик даражасини оширишга ва таркибини ёш кадрлар билан тўлдириб боришга эътибор бериш муҳим бўлиб, бу таҳлили республикамизнинг ҳудудларидан бири Бухоро вилоятида ўтказдик.

Ўзбекистон Республикасининг Бухоро вилоятида 13 та ҳудуд, 2 та шаҳар ва 11 туман мавжуд бўлиб, вилоятдаги 482 та мактабгача таълим ташкилотида 9 минг 658 нафар педагог ходимлар меҳнат қилишади (3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Бухоро вилояти мактабгача таълим муассасаларида жами 9 минг 658 нафар педагог-ходимлар меҳнат қилиб, ҳар бир ҳудудга ўртacha 743 нафар педагог-ходим тўғри келади, энг кўп давлат МТТлари Бухоро шаҳри ва Фиждувон туманларида ҳамда энг кам миқдорда давлат МТТлари Қоровулбозор туманида жойлашганлигига мос ҳолатда, Бухоро шаҳри ва Фиждувон туманида энг кам педагог-ходимлар меҳнат қилишади.

Мактабгача таълим муассасалари педагог-ходимларининг юқори улуши (27,2 фои-

## ТАЪЛИМ

зи) 31-39 ёшда бўлиб, вилоят мактабгача таълим муассасалари педагог-ходимларининг ўртacha ёши 32,8 ёшни ташкил қилади. Мактабгача таълим муассасалари педагог-ходимла-

рининг юқори улуши (59,1 фоизи) ўрта маҳсус маълумотлилар бўлиб, олий маълумотлилар улуши 32,7 фоизни ташкил қилади.

### 3-жадвал

#### **Бухоро вилояти жами МТТ педагог-ходимлари тўғрисидаги маълумотлар**

№	Худуд номи	Жами педагог ходимлар	педагог ходимлар ёши					педагог ходимлар маълумоти				
			18 -24 ёш	25 - 30 ёш	31 - 39 ёш	40 -49 ёш	50 - 54 ёш	55 ёш ва учдан катта	Олий	Гугаламаган олий		
1	Бухоро ш.	1789	334	357	351	328	294	125	798	114	877	0
2	Когон ш.	608	146	137	176	120	29	0	153	50	405	0
3	Бухоро т.	530	42	219	172	59	29	9	195	51	284	0
4	Вобкент т.	629	96	131	203	127	67	5	159	50	420	0
5	Жондор т.	634	245	158	119	60	39	13	227	53	354	0
6	Когон т.	215	29	65	55	46	15	5	44	31	140	0
7	Олот т.	233	37	69	48	50	24	5	156	15	59	3
8	Пешку т.	703	135	171	169	155	51	22	186	73	444	0
9	Ромитан т.	769	239	167	186	120	47	10	232	95	441	1
10	Шофиркон т.	1161	225	222	311	232	101	70	347	92	722	0
11	Қоракўл т.	607	207	183	110	78	29	0	215	31	361	0
12	Қоровулбозор т.	186	12	43	90	34	7	0	65	27	94	0
13	Фиждувон т.	1594	256	467	636	125	93	17	384	103	1107	0
	Ўртacha	743	154	184	202	118	63	22	243	60	439	0
	Жами	9658	2003	2389	2626	1534	825	281	3161	785	5708	4
	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида,%	100	20,7	24,7	27,2	15,9	8,5	2,9	32,73	8,13	59,10	0,04

**Манба:** Бухоро вилояти Мактабгача таълим бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Қишлоқ жойларида МТТлар ўртасида рақобат кучаймаган ҳозирги шароитда, нодавлат МТТлар педагог-ходимлар таркибида олий маълумотлилар улушкини ошириб бориш мақсадида, нодавлат МТТ раҳбарларининг олий маълумотли мутахассисларни ишга қабул қилиш фаолиятларини иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бундай чора-тадбир нодавлат МТТларда олий маълумотли педагог-ходимлар сони ва мактабгача таълим ва тарбия ишларининг сифати ошишини таъминлайди.

Хукуматимиз томонидан мактабгача таълим ташкилоти педагогик-ходимларнинг маълумотлилик даражасини оширишга, яъни кўплаб олий маълумотли педагог-ходимлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги "Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 418-сонли Қарорида мактабгача таълим ташкилотлари учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун катта имконият шакллантириди. Қарорга кўра, мактабгача таъ-

лим тарбиячилари ўқув жараёни тиқизлаштирилган ҳолда, кундузги таълим учун тўрт йил ўрнига уч йил қилиб белгиланди. Шунингдек, ўрта маҳсус маълумотига эга бўлган мактабгача таълим ташкилоти педагог-ходимлари ташкилот раҳбарлари тавсияларига асосан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, сиртқи шаклда уч йил муддатда олий маълумотни олиш имконияти яратилди.

Мактабгача таълим сифатини ошириш учун хукуматимизнинг энг асосий қилинган тадбирлардан бири мактабгача таълим тизими менежментининг иқтисодий усулларидан фойдаланган ҳолда, олий маълумотга эга бўлган ва юқори билим ҳамда кўнкимага эга педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашини табақалаштирилган ҳолда, юқори иш ҳақи тўланмоқда ва меҳнатлари моддий рағбатлантирилиб борилмоқда.

Педагог-ходимларнинг маълумотлилик даражасини оширишга қаратилган иқтисодий усулларнинг жорий қилиниши натижасида, қисқа муддатда педагог ходимларнинг маълумотлилик даражаси 20,0 фоиздан 32,7 фоизга етди.

**Хулоса.** Мактабгача таълим ва тарбия ёш авлодни билимли, меҳнатсевар, яхши хулқ эгаси сифатида шакллантириш, мамлакатни келгуси тараққиётида муҳим ҳисобланиши инобатга олиб, хукумат мактабгача таълим тизимини самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини жадаллаштирилган ислоҳ қилиш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таркибидан мактабгача таълим тизими олиниб, алоҳида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги шакллантирилди. Ушбу янги вазирлик Ўзбекистон мактабгача таълимига масъул давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, мактабгача таълим ва тарбия фаолиятида эътибор бериладиган жиҳатлар, таълим тамоийлари, мактабгача таълим ташкилотларининг ҳамда тарбияланётган болалар ва уларнинг ота-оналарининг хукуқ ва мажбуриятлари тўлиқ кўрсатиб берилди.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимини бошқаришда маъмурий усуллар ўрнига иқтисодий усуллар кенг жорий қилиниб борилмоқда. Биринчи навбатда, Ўзбекистон худудларида кўплаб давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил қилиш, бунда давлат мактабгача таълим ташкилотлари билан биргаликда, нодавлат ҳамда давлат ва хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини кенг жорий қилишга эътибор қаратилди.

Нодавлат ва давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари миқдорини ошириш ва улар фаолиятини кенгайтириш мақсадида, кўплаб бошқарувнинг кўплаб иқтисодий воситалари ишлаб чиқилди. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, давлатнинг бўш турган бинолари фирмаларга мактабгача таълим фаолиятини йўлга қўйиш учун ноль қийматда берилди. Мактабгача таълим фаолиятини ташкил қиладиган фирмаларга солиқдан узоқ муддатли имтиёз ҳамда банклар томонидан паст фоизли кредитлар берилди.

Ўзбекистон хукумати мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиган болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорини инсонпарварлик руҳи билан аҳоли даромадидан келиб чиқсан ҳолда, турли миқдорларда белгилаши барча худудларда ота-оналар ўз

фарзандларини мактабгача таълим муассасасига юбориш имкониятлари яратди.

Мактабгача таълим тизимини менежментнинг иқтисодий усулларидан фойдаланиш мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг мактабгача таълимга қамраб олиш дарожасини 2016 йилдаги 33,0 фоиздан 2020 йилда 55,0 фоиз кўрсаткичга етиб келишини таъминлади.

Мактабгача таълимнинг сифатини ошириш борасида ҳам Ўзбекистон хукумати мактабгача таълим ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий раҳбатлантиришда педагог-ходимлар маълумотларини олий бўлиши ҳамда билим ва қўнималарини ошириб, юқори тоифалар олишларига ундовчи кўринишини жорий қилишди. Бунда мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари маълумотлари ўрта даражадан олий даражага ошиб боришига мос равишда иш ҳақилари ошиб боради, шунингдек, педагог-ходимларнинг маълакаларига мос тоифалари ўзгариши иш ҳақлари юқори бўлишини таъминлайди. Шунингдек, хукумат мактабгача таълим мутахассислари тайёрлашда яратган имкониятлари мактабгача таълим ташкилотлари педагогик ходимлари маълумотлилик даражасини қисқа муддатда, яъни 2016 йилдаги 20,0 фоиз кўрсаткичдан 2020 йилда 32,7 фоиз бўлишини таъминлади.

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган педагогик-ходимларнинг маълумотлилик даражасини ошириш ҳамда мактабгача таълим сифати ва мазмунини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни билдираман:

- мактабгача таълим ташкилотида фаолият кўрсатаётган педагогик ходимлар меҳнат интизоми, билими, ташкилотда амалга ошираётган тадбирларини ҳисобга олган ҳолда, ташкилот раҳбари томонидан бериладиган кам миқдордаги бир марталик мукофот миқдорини 2-3 баробарга ошириш зарур;

- мактабгача таълим ташкилоти педагогик-ходимлар маълумотлилик даражасига мос ҳолда, тўланадиган иш ҳақи миқдорини белгилашда олий ва ўрта маҳсус маълумотли педагогик ходимлар оладиган иш ҳақлари орасидаги кам фарқни 2-3 баробарга ошириш, хукумат томонидан олий маълумот олиш имконияти енгиллаштирилаётган вазиятда олий маълумотлилар улушкини 32,7 фоиздан юқори кўрсаткичларга ошишини таъминлайди.

-бир йил давомида меҳнат интизомига риоя қилган билимли, тажрибали ва фаол педагогик-ходимларга келгуси йил учун устама ҳақлари берилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим мини янада ривожлантириш учун мак-

табгача таълим тизими тараққий қилган ривожланган мамлакатлар тажрибасидан замонавий иқтисодий усулларни ўрганиб, Ўзбекистон мактабгача таълим тизими га жорий қилиб бориш зарур ҳисобланади.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5198-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сонли "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори. Халқ сўзи, 2019 йил 9 май 95-сони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрда "2017-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2707 сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетаси 2020 йил 30 декабрь сони 1-2 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 марта даги "Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 135-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги "[Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)" 418-сонли Қарори.
7. Баева Л. В. *An Introduction to early years Education [Book]*. - Москва : Прометей, 2012.
8. Белых Светлана Сергеевна "Управление развитием дошкольного образования в Республике Коми в условиях рыночной экономики" [Диссертация]. - Сыктывкар, 1998.
9. Веракса Н.Е., Комарова Т.С., *От рождения до школы. Основная общеобразовательная программа дошкольного образования [Book]*. - Москва : Мозаика-Синтез, 2010.
10. Гамаюнов В.Г., Шемяков А.Д. *Механизмы управления образованием [Journal]* // Открытое образование. - Москва : [s.n.], 2017 йил. - 21(5). - pp. 63-71.
11. Григорьева Евгения Гербовна "Регулирование рынков дошкольных услуг" [Диссертация]. - Красноярск : 2008.
12. Джусраев Р.Х., Турғунов С.Т. "Таълим менежменти" умумий ўрта таълим муассасалари директорлари учун кўйланма [Book]. - Тошкент : Ворис-нашириёт, 2006. - pp. 14-16.
13. Квасникова Н.М. Управление инновационной деятельностью в учреждениях дошкольного общего образования. - Санкт-Петербург : Череповецкий государственный университет, 2012 йил.
14. Михеева С.А. Управление образованием и педагогический менеджмент: терминологический аспект [Journal] // Управление образованием: теория и практика. - Москва : [s.n.], 2018 йил. - 30. - pp. 11-22.
15. Омельченко Е.А., Зверкова А.Ю., Чеснокова Г.С. Дошкольное образование в условиях ФГОС: управление, методическая деятельность, психолого-педагогическое сопровождение [Book]. - Новосибирск : ООО ЦСРНИ, 2015.
16. Петряков П.А. Концепции и стратегии образовательного менеджмента ВУЗа в отечественной и зарубежной педагогике // Автореферат. - Великий Новгород, Россия : ИПЦ НовГУ, 2013 г. - Т. стр. 21.
17. Сафаров О.С. Замонавий менежмент ёндашувлари асосида халқ таълими тизимини бошқаришини такомиллаштириш. - Тошкент : "Академия ноширлик маркази" Давлат унитар корхонаси, 2018 йил. - p. 13.
18. Сафонова О.А. Управление качеством образования в дошкольном образовательном учреждении. - Москва : МПГУ, 2004 йил.
19. Семина Т.М. Совершенствование модели повышения квалификации руководителей дошкольных образовательных учреждений. - Новосибирск : Новосибирский педагогический университет, 2006 йил.
20. Смолин О. С. Управление учреждением образования в контексте образовательной политики: правовый аспект [Journal] // Право и образование. - Москва : [s.n.], 2006 йил. - 2.
21. Фалюшина Л.И. Управление качеством в макросистемах дошкольного образования . - Москва : УлГТУ, 2005 йил.
22. Фильченкова И.Ф. Образовательный менеджмент инновационной деятельности педагогических исследований [Journal] // Вестник Мининского университета. - Нижний Новгород : Мининский университет, 2019 йил. - 4 : Vol. 7. - p. 3.
23. Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси [Book]. - Тошкент : Фан ва технология, 2008.